

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
DSc.03/04.06.2021.Fil.72.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХАМДАМОВА СИТОРА БАХШИЛЛОЕВНА

**УИЛЬЯМ БАТЛЕР ЙЕЙТС ШЕЪРИЯТИДА АНЪАНАВИЙЛИК ВА
НОВАТОРЛИК УЙҒУНЛИГИ**

10.00.04. – Европа, Америка ва Австралия халқлари тили ва адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2022

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по филологическим наукам
The contents of the dissertation abstract for a Doctor of Philosophy (PhD) degree in Philology

Хамдамова Ситора Бахшилловна

Уильям Батлер Йейтс шеърятда анъанавийлик ва новаторлик уйғунлиги..5

Хамдамова Ситора Бахшилловна

Гармония традиционности и новаторства в поэзии Уильяма Батлера
Йейтса.....25

Khamdamova Sitora Bakhshilloevna

The harmony of tradition and novelty in William Butler Yeats' poetry 45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of publications 49

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
DSc.03/04.06.2021.Fil.72.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХАМДАМОВА СИТОРА БАХШИЛЛОЕВНА

**УИЛЪЯМ БАТЛЕР ЙЕЙТС ШЕЪРИЯТИДА АНЪАНАВИЙЛИК ВА
НОВАТОРЛИК УЙЁУНЛИГИ**

10.00.04. – Европа, Америка ва Австралия халқлари тили ва адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №B2020.1.PhD/Fil1135 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.buxdu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Бакаева Муҳаббат Каюмовна филология фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Жўраева Малоҳат Муҳаммадовна филология фанлари доктори, профессор Муҳаммедова Хулқар Элибоевна филология фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент
Етакчи ташкилот:	Самарқанд давлат университети

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат университети ҳузуридаги DSc.03/04.06.2021.Fil.72.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «22» июль соат 12⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (0 365) 221-29-14; факс: (0 365) 221-57-27; e-mail: buxdu_rektor@buxdu.uz)

Диссертация билан Бухоро давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (200 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (0 365) 221-25-87.)

Диссертация автореферати 2022 йил «09» июль куни тарқатилди.
(2022 йил «09» июль даги 22-28 - рақамли реестр баённомаси).



Д.С. Ўраева
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
раиси, филол. ф. д., профессор

З.И. Расулов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
илмий котиби, филол. ф. н., доцент

М.М. Жўраева
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар
раиси, филол.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон адабиётшунослигида XIX аср охири XX аср бошларида адабий жараён ҳақида сўз юритилганда, анъанавийлик ва новаторлик уйғунлиги таъсирида янги ғоя, шакл ва йўналишларнинг пайдо бўлиш ҳодисасига, уларнинг бадий адабиётдаги ўрни, келиб чиқиши, функционаллиги, анъанавийлик ва новаторлик тушунчаларининг ўзига хос хусусиятлари масалалари тадқиқига қизиқиш янада кучайди. Бадий анъаналарга содиқ қолиш ёки уларни янги давр талаби асосида ўзгартириш масаласи ҳар бир сўз санъати устасининг олдида қўйиладиган етакчи, устувор вазифа ҳисобланади. Шу жиҳатдан, бадий адабиёт контекстида анъанавийлик ва индивидуаллик, новаторлик ва ўзлаштириш мутаносиблиги, бадий адабиёт ривожининг турли босқичларида турлича ифодаланиши, унинг тарбиявий, сентиментал, фалсафий характерини белгилашга имкон яратади.

Дунё адабиётшунослигининг ажралмас қисми сифатида эътироф этиладиган инглиз адабиётида шеърӣ, насрий, драматик турдаги асарлар табиати ва имкониятидан келиб чиқиб, бадий ижод жараёнининг турфа даврий босқичларида адабий анъана ва новаторлик муносабати кенг кўламли тадқиқотларда атрофлича таҳлил этилган. XX аср бошига келиб, инглиз шеърӣятида ўзининг инқилобий хусусиятлари ва йўналишларининг хилма хиллиги билан ажралиб, ижодкорларнинг умум эътироф этган қоидаларни рад этиб, индивидуал услуб, инновациялар томон интилишлари кучайган даврда асарлар оша шаклланиб келган адабий қадриятлар ва мероснинг аҳамиятини англайдиган, кадрлайдиган ҳамда ўз ўрнида замонавий интилишлардан ҳам ортда қолмайдиган ижодкор Уильям Батлер Йейтс шеърӣяти ўзининг неча асрлик инглиз адабиёти анъанавийлиги ва замонасининг инқилобий ўзгаришларини уйғунлаштира олганлигини тадқиқ қилиш муҳим илмий-назарий аҳамият касб этади.

Мамлакатимизнинг янги ислоҳотлар босқичига ўтиш жараёнида илм-фан соҳасидаги туб ўзгаришлар адабиётшунослик йўналишларини, унинг устувор вазифаларини муайян даражада белгилаб берди. Жумладан, "...халқимизнинг, айниқса, ёш авлоднинг маънавияти юксалиши, миллий тафаккури ривожланиши учун маънавий муҳит яратиш", "... ўқувчиларни хориж адабиётининг ёрқин намуналари билан яқиндан таништириб бориш ҳамда жаҳон адабиётидаги жараёнларни холис ва ҳаққоний таҳлил қилиш орқали ўзбек адабиётини янги ижодий тажрибалар билан бойитиб бориш"¹ зарурати ижодкорлар фаолияти нафақат бадий мероси, балки унинг турли йўналишларда ижод қилиб, адабий анъанавийлик ва новаторлик ғоялари яхлитлигида ўрганилиши ва баҳоланишини тақозо этади. Соҳа йўналишларида истиқболли тадқиқотлар учун замин яратади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 18.05.2018 й. 376-сон "Жаҳон адабиётининг энг сара намуналарини ўзбек тилига ҳамда ўзбек адабиёти дурдоналарини чет тилларига таржима қилиш ва нашр этиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори. Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги Ахборот-қидирув тизими.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги, 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармонлари, 2017 йил 11 августдаги 610-сон “Таълим муассасаларида чет тилларни ўқитишнинг сифатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2021 йил 19 майдаги ПҚ-5117-сон “Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.²

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари”га мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон адабиётшунослигида У.Б.Йейтс ҳаёти ва ижодий фаолияти, асарлари таҳлилига бағишланган юзлаб тадқиқотлар яратилди. Замонавий инглиз адабиётшунослигида бадиий материални ижтимоий-сиёсий ва биографик аспект каби ташқи омиллар асосида таҳлил қилишнинг кенг тарқалганлигини инобатга олиб, адибнинг Ричард Элман ва Рой Фостер каби биографларининг ишлари биринчи даражали манбаа сифатида кўрилади.³ Шунингдек, Э.Паунд, Т.С.Элиот, П.Юр, Н.Фрай, Дж.М.Харпер, П. де Ман, А.Р.Гроссман, К.Корр, Д.Дж.Хоффман, А.Бхаргава, М.Х.Туэнте, Д.Олбрайт, Ф.Кайнахан, М.К.Фленнери каби ғарб олимлари ўз тадқиқотларида адиб шеъриятининг турли хусусиятларига ўз эътиборларини қаратишди.⁴

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. // Халқ сўзи, 2017 йил 8 февраль, № 28 (6722) http://lex.uz/pages/getpage.aspxlact_id=3107036 “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2909-сон қарори // http://lex.uz/pages/getpage.aspxlact_id=31711590; // (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017й., 18-сон, 313-модда, 19-сон, 335-модда, 24-сон, 490-модда.

³ Ellmann R. Yeats. The Man and the Masks. London: Macmillan, 1980. – P. 360. Foster R.F. W.B. Yeats: A Life. Vol. 1. The Apprentice Mage 1865-1914. Oxford; New York: Oxford University Press, 1997. – P. 640. Foster R.R. Vivid Faces: The Revolutionary Generation in Ireland, 1890-1923. W. W. Norton & Company. - 2015. – P. 480.

⁴ Элиот Т.С. Назначение поэзии. Статьи о литературе. — Киев: Air Land, 1996. — С.241. Ure P. Towards a Mythology. Studies in the Poetry of W.B. Yeats. New York: Russel and Russel, 1968. – P. 123. Frye N. Yeats and the language of symbolism. Fables of Identity. - N.Y.: Burlingame, 1963. – P. 358. Harper G.M. Yeats's Golden Dawn. - The Macmillan, 1974. – P. 322. De Man, P. Image and Emblem in Early Yeats. The Rhetoric of Romanticism. New York: Guildford, Columbia U.P., 1984. Grossman A.R. Poetic Knowledge in the Early Yeats: A Study of 'The Wind among the Reeds'. Charlottesville, University Press of Virginia, 1986. Corr Ch. Matthew Arnold and the Younger Yeats: The Manoeuvrings of Cultural Aesthetics. Irish University Review: a journal or Irish studies, Dublin, Vol. 28, N. 1, 1998. 11-28 pp. Hoffmann D.G. Barbarous Knowledge. Myth in the poetry of Yeats, Graves and Muir. - N.Y., OUP, 1967. Bhargava A. The Poetry of W.B. Yeats: Myth as Metaphor. New Delhi:

Анъанавийлик ва новаторлик мезони ҳамда унинг маромларини ўрганиш бўйича эса, жаҳон адабиётшунослигида Т.С.Элиот, К.Брукс, Р.Д.Браун, Д.Л.Дюрлинг, Р.Ф.Гаррет, М.Перлоф ва Н.И.Конрад каби адабиётшунос олимлар тадқиқотларида кўриш мумкин.⁵

Рус адабиётшунослигида шоир ижодини ўрганиш ва таҳлил қилиш борасида амалга оширилган тадқиқотларнинг илмий натижалари А.Саруханян, Г.М.Кружков, Г.Д.Ионкис, В.В.Хорольский, К.О.Голубович, Н.Прозорова, А.В.Аксенева, В.А.Ряполова каби адабиётшуносларнинг изланишларида намоён бўлди.⁶ Адабиётда анъанавийлик ва новаторлик мутаносиблиги ва уйғунлиги бўйича изланишлар рус олимларидан М.П.Крылова, С.Ю.Толоконникова, Н.В.Епишкина, И.А.Пикулева тадқиқотларида кузатилади.⁷

Ўзбек адабиётшунослигида ҳам адабий анъана ва новаторлик хусусиятларига эътибор ўтмиш замонлардан бошлаб қаратилган бўлиб, Абу Наср Фаробий, Абу Али ибн Сино каби мумтоз давр адабиёт вакиллари асарларида бу ҳақда қимматли маълумотлар қолдирилган.⁸ Шунингдек, замонавий ўзбек адабиётшуносларидан И.Султон, У.Тўйчиев, Д.Қурононов, С.Мамажонов, Ғ.Ҳ.Ёқубов, Н.Т.Йўлдошев каби олимлар асарларида ҳам адабий анъана ва новаторликнинг ўзаро муносабатлари ва уларнинг адиблар ижодида намоён бўлишига доир изланишларда кузатилади.⁹

Arnold Heinemann, 1979. – P. 260. Bhargava A. The Poetry of W.B. Yeats: Myth as Metaphor. Delhi: Arnold-Heinemann Publishers, India, 1979. – P. 154. Thuente M.H. W.B. Yeats and Irish Folklore. Dublin: Gill and Macmillan, 1980. – P. 286. Albright D. The Myth against Myth: A Study of Yeats's Imagination in Old Age. - London: Oxford University Press, 1972. – P. 195. Kinahan F. Hour of Dawn: The Unity of Yeats's The Celtic Twilight. Irish University Review: a journal of Irish studies, Dublin, Folens & Co., Vol. 13, N. 2, autumn 1983. – 189-205 pp. Kinahan F. Yeats, Folklore and Occultism: Contexts of the Early Word and Thought. - Boston: Unwin Hyman, 1988. – P. 255. Flannery M.C. Yeats and Magic. - Colin Smythe, Gerrards Cross, 1977. – P. 165.

⁵ Eliot T. S. Tradition and the individual talent. Perspecta. – 1982. – T. 19. – 36-42 pp. Brooks C. Modern poetry and the tradition. – UNC Press Books, 2018. Brown R. D. The New Poet: Novelty and Tradition in Spenser's Complaints. – Liverpool University Press, 1999. – P. 287. Durling D. L. Georgic tradition in English poetry. – Columbia University Press, 1963. – P. 348. Garratt R. F. Modern Irish Poetry: Tradition and Continuity from Yeats to Heaney. – Univ. of California Press, 1989. – P. 406. Perloff M. The dance of the intellect: studies in the poetry of the Pound tradition. – Northwestern University Press, 1996. – P. 187.

⁶ Саруханян А.П. Ирландское возрождение. История всемирной литературы: В 8 томах. - М.: Наука, 1994. – 395-398 стр. Саруханян, А.П. Современная ирландская литература. -М.: Наука, 1973. – С. 320. Кружков Г.М. У.Б.Йейтс: Исследования и переводы. — М.: Рос. гос. гуманитар. ун-т, 2005. – С. 671. Ионкис Г.Э. Английская поэзия XX века. М.: Высш. школа, 1980. – С. 200. Хорольский В.В. Символизм У.Б. Йетса. Проблемы метода и жанра в зарубежной литературе. -М., 1981. – 146 - 159 стр. Хорольский В.В. Основные направления в английской и ирландской поэзии рубежа XIX - XX веков. - М., 1995. – С. 39. Хорольский В.В. Традиции английского романтизма в мировоззрении и творческом методе У.Б.Йейтса. Переходные эстетические явления в литературном процессе XVIII-XX веков. - М, 1981. – 125 - 140 стр.

⁷ Крылова, М.П. Лирическая поэзия Томаса Гарди: традиции и новаторство. Diss. Российский государственный педагогический университет им. АИ Герцена, 2007. – С 214. Толоконникова, С. Ю. "Образы творца в поэзии С.Новикова: традиции и новаторство." Мировая литература на перекрестке культур и цивилизаций. Епишкина, Наталья Вячеславовна. Традиции Сергея Есенина в поэзии Арсения Несмелова. Diss. Московский педагогический государственный университет, 2003. Пикулева, И. А. "Художник как литератор и иллюстратор своих произведений в английской культуре XIX века: традиции и новаторство." Проблемы метода и поэтики в мировой литературе: П 78 Межвуз. сб. науч. тр./Перм. ун-т; Отв. ред. НС Бочкарева. – Пермь. – С. 17.

⁸ Абу Наср Фаробий. Шеър санъати. Тошкент. – 1979. – Б. 138. Абу Али ибн Сино. Соломон ва Ибсол. Шеър санъати. Т. Адабиёт ва санъат. – 1980. – Б. 196.

⁹ Султон И. Адабиёт назарияси. Тошкент: Ўқитувчи. – 1980. – Б. 392. Тўйчиев У. Ўзбек адабиётида бадиийлик мезонлари ва уларнинг маромлари. Янги аср авлоди. 2011. – Б. 503. Қурононов Д. Адабиёт назарияси асослари. – Т.: Ношир, 2019. – Б. 336. Мамажонов С. Сайланма. Адабий танқидий мақолалар.

Жаҳон адабиётшунослигида У.Б.Йейтс ижоди билан боғлиқ қатор тадқиқот ишлари олиб борилганлигига қарамай, ўзбек адабиётшунослигида мазкур мавзуга бағишланган тадқиқотлар шу кунгача нисбатан кам ўрганилган. Чунончи, У.Б.Йейтс ижоди мисолида замонавий инглиз шеърятини анъана ва новаторлик муносабатлари нуқтаи назаридан махсус тадқиқ этилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасанинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация Бухоро давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Ғарбу Шарқ адабиётида адабий анъаналар синтези” мавзусидаги илмий тадқиқотлар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади У.Б.Йейтс шеърятини анъана ва новаторлик уйғунлиги масаласини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

XIX аср охири XX аср боши инглиз адабиётида содир бўлган “шеърый инқилоб” майдонида ижтимоий-сиёсий, маданий тараққиётидаги янги тамойиллар контекстида ўзгаришлар натижасида азалий, консерватив инглиз адабиёти анъаналари ва новаторликнинг мутаносиблиги, уйғунлигини очиб бериш;

У.Б.Йейтс ижодининг серқирра ва мураккаблигини инобатга олган ҳолда, шоир ижоди босқичларининг ўзига хос хусусиятларни ва уларда етакчилик қилган адабий оқим ва йўналишларни тадқиқ этиш;

ижодкор асарларини комплекс таҳлил қилиш орқали унинг шеърятини анъана ва новаторлик элементларини аниқлаш;

шоир ижодида анъанавийлик ва новаторликнинг ўзаро муносабатларида уйғунлик ва бир-бирини рад этиш муносабатларини таҳлил қилиш воситасида муаллифнинг индивидуал ўзига хос услубини ёритиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида У.Б.Йейтс шеърятини намуналари танланди.

Тадқиқотнинг предметини У.Б.Йейтс шеърятини анъанавийлик ва новаторлик уйғунлиги тадқиқи ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда биографик, тавсифлаш, қиёсий-тарихий, ижтимоий-маданий, семантик-интерпретацион, лингвопоэтик ва интертекстуал таҳлил усулларида фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

замонавий инглиз шеърятини анъанавийлик ва новаторлик ўртасидаги уйғунлик масаласи, уларнинг бадиий акс эттирилишида муаллиф тафаккури, воқелик дискурси, лисоний элементларнинг конструктив функциялари, индивидуаллик ва тақлид қилиш муаммоси, “шеърый инқилоб” даврида инглиз маданияти анъаналарини сақлаб қолиш, аждодлардан мерос қолган қадриятларни қайта кўриб чиқиш тенденцияси, адабий таъсир каби поэтик

Адабиёт ва санъат. 1981. – Б. 476. Ёкубов Ғ.Х. Адибнинг маҳорати (Ойбек поэмалари ва прозаси бўйича). Т. Фан. – 1996. – Б. 298. Yuldashev N. T. Tradition and novelty in Chulpon Poetry. Theoretical & Applied Science. – 2019. – №. 12. – 576-578 p.

хусусиятлар инглиз шеърляти вакилларининг муҳим вазифасига айланганлиги аниқланган;

атоқли ирландиялик инглиз шоири У.Б.Йейтс ижодида анъанавийлик ҳамда новаторлик уйғунлиги нуқтаи назаридан алоҳида эътиборга лойиқлиги, ижод қилган давр адабий оқимлари курашининг аксарият қисми унинг ижодида ўз аксини топганлиги, ушбу зиддиятли ва шиддатли ўзгаришлар даврида ижодкорнинг бош мақсади шеърлий анъана ва новаторлик ўртасидаги уйғунликни сақлаш, мазмун ва бадий шакл яхлитлигини таъминлашдаги вазифалари далилланган;

У.Б.Йейтс ижодининг серқирра ва мураккаблиги, унинг муаллифлик услуби ривожининг асосий босқичларини аниқлашда шоир асарларини комплекс таҳлил қилиш орқали муаллифнинг индивидуал ўзига хос услуби ва маҳорати, уларда анъанавийлик ва новаторлик уйғунлиги шоир ижодида намоён бўладиган бир неча адабий оқимлар алмашинуви зайлида ўзгариб туриши асосланган;

У.Б.Йейтс бадий асарларининг ғоявий-бадий хусусиятларини (мавзу, ғоя, образлар тизими, услуб ва тил масалалари) аниқлаш, уларни мавжуд адабий йўналиш ва оқимлар кесимида таҳлил қилиш орқали шоир ижодида кўп асрлик адабий анъаналарнинг янгиланиш тамойиллари билан уйғунлашув жараёни аллюзия, ремесценция, таржима, монтаж, коллаж ва бошқа воситалар ёрдамида шартланганлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

XIX аср охири XX аср боши нафақат хронологик, балки ижодий эволюция нуқтаи назаридан ҳам ўтиш даври эканлиги ва ушбу даврда асрлар давомида сақланиб келинган адабий қонуниятлар ва анъаналардан воз кечилиб, индивидуал муаллифлик услуби, ижодкор шахси каби субъектив қарашлар бадий майдон марказига чиқиши асосланган;

У.Б.Йейтс ижодининг замонавий инглиз шеърляти шаклланишида муҳим аҳамият касб этганлиги илмий далилланган;

У.Б.Йейтс шеърлятида анъана ва новаторлик ўртасидаги уйғунликни сақлаш тамойилларининг устунлик қилиши аниқланган;

У.Б.Йейтс ижодида анъанавийлик ва новаторликнинг намоён бўлиш хусусиятларини ўрганиш натижасида кўп асрлик адабий анъаналарнинг янгиланиш тамойиллари билан уйғунлашув жараёни (аллюзия, ремесценция, таржима, монтаж, коллаж ва бошқа воситалар ёрдамида) очиб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот мавзуси бўйича чиқарилган хулосаларнинг аниқлиги, назарий маълумотларнинг илмий манбаларга асосланганлиги, танлаб олинган бадий манбаларнинг тадқиқот предметига мувофиқлиги, назарий хулосаларнинг тарихий-биографик, тавсифлаш, интерпретацион ва инертекстуал таҳлил методлари воситасида чиқарилгани, олинган натижаларнинг ваколатли давлат тузилмалари томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ундаги илмий хулосалар ва назарий умумлашмалар адабиётшунослик йўналишида тадқиқот ишларини олиб

боришда, замонавий инглиз адабиётини ўрганишда, инглиз адиблари ижодини тадқиқ этишда, замонавий инглиз шеърини хусусиятларини ўрганишда, унда анъанавийлик ва новаторлик уйғунлигининг маданий хусусиятларини кўрсатишда назарий аҳамият касб этади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти диссертация фактик материаллари ва илмий хулосаларидан бакалавриат йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари учун “Адабиётшунослик назарияси”, “Жаҳон адабиёти”, “Стилистика”, “Матн таҳлили” ўқув курслари, ўрта таълим “Адабиёт” ўқув предмети бўйича дарслик, ўқув қўлланма, ўқув-услубий қўлланмалар яратишда, маъруза ва семинар машғулотларини олиб боришда, битирув малакавий ва магистрлик ишларини бажаришда, инглиз адабиёти тарихи ва инглиз шеъринидан махсус курслар яратишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. У.Б.Йейтс шеърининг ўзига хос хусусиятлари, инглиз шеърини анъана ва новаторлик тушунчалари ва уларнинг шоир ижодида уйғунлашувини аниқлаш жараёнида эришилган илмий натижалар асосида:

замонавий инглиз шеърини ривожини ва унда анъана ҳамда новаторлик уйғунлиги нуқтаи назаридан атоқли инглиз шоири У.Б.Йейтс ижодида давр адабий оқимлари курашининг ўз аксини топганлиги, ушбу зиддиятлар асосида эса ижодкорнинг бош мақсади адабий анъана ва новаторлик ўртасидаги муносабатни сақлашга доир илмий-назарий хулосалардан Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан эълон қилинган ва Андижон давлат университетини 2017-2020 йилларда бажарилган ОТ-Ф1-18 рақамли “Оммавий лисоний маданиятни шакллантириш методлари ва методологиясини ишлаб чиқиш” мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Андижон давлат университетининг 2022 йил 23 июлдаги 39-01-1807-сон маълумотномаси). Натижада шеърини анъана ва новаторлик ўртасидаги уйғунлик хусусиятларига оид хулосалар лойиҳа доирасида лисоний маданиятни шакллантириш методлари самарадорлигини оширишда, мавжуд дастурлар ва қўлланмаларнинг такомиллашувига хизмат қилган;

замонавий инглиз шеърини шаклланишида муҳим аҳамиятга эга атоқли шоир У.Б.Йейтс ижодида шеърини анъаналар ҳамда новаторлик кўринишининг интертекстуал ва интерпретацион таҳлилларга оид хулосалардан Европа Иттифоқининг 2016-2018 йилларга мўлжалланган Эрасмус + дастури доирасида амалга оширилган 561624-ERP-1-2015-UK-ERPКА2-SBHE-SP-ERASMUS+SBHE IMER: “Ўзбекистонда олий таълим тизими жараёнларини модернизациялаш ва халқаролаштириш” номли инновацион тадқиқотлар лойиҳасида фойдаланилган (Самарқанд давлат чет тиллар институтининг 2022 йил 15 июлдаги 2013\30.02.01-сон маълумотномаси). Натижада адабиётшунослик, матн таҳлили ҳамда Англия адабиёти фанлари асосларини янгилаш, таълим тизими жараёнини мустаҳкамлаш ва халқаролаштириш мақсадида яратилган ўқув қўлланмаларни ишлаб чиқишда янги ёндашувларни ишлаб чиқишга

эришилган. Шунингдек, лойиха доирасида таҳлил қилинган шеърларда анъана ва новаторлик мутаносиблиги ва уйғунлиги намоён бўлиши ҳамда уларнинг фалсафий-мифологик хусусиятларига доир поэтик масалалари такомиллаштирилган;

XIX аср охири XX аср боши инглиз шеърлятида етакчилик қилган адабий йўналиш ва оқимлар ҳамда уларнинг У.Б.Йейтс шеърлятида анъанавийлик ва новаторлик уйғунлиги кесимида намоён бўлишига доир тадқиқот натижаларидан АҚШнинг SUZ800-18-IN0049 рақамли “Китобхонлар клуби” (“Readers Club at the Department of the English Literature”) мавзусидаги фундаментал грант лойихасида фойдаланилган (Бухоро давлат университетининг 2021 йил 30 июньдаги 05-01-0331-сон маълумотномаси). Натижада китобхонлар клуби фаолияти давомида диссертацияда тадқиқ қилинган инглиз шоири У.Б.Йейтс ижоди босқичларини интеграллашган ёндашув асосида комплекс таҳлил қилиш орқали муаллифнинг индивидуал ўзига хос услуби, маҳорати ва унда етакчилик қилган йўналишларни очиб беришга эришилган;

У.Б.Йейтснинг бадиий-услубий маҳорати, серқирра ва мураккаб ижоди, унинг муаллифлик услуби ривожланишининг асосий босқичлари ҳақидаги илмий хулосалардан Бухоро вилоят телерадиокомпаниясининг “Ассалом, Бухоро”, “Саккизинчи мўъжиза” кўрсатувларида фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси Бухоро вилоят телерадиокомпаниясининг 2021 йил 13 октябрьдаги 1/264-сон маълумотномаси). Натижада ушбу телекўрсатувлар учун тайёрланган материалларнинг мазмуни мукаммаллашувига, илмий далилларга бой бўлишига, кўрсатувнинг илмий-оммабоплиги таъминланишига эришилган. Шунингдек, келтирилган таҳлиллар ва натижалар телетомошабинларнинг инглиз шеърляти ва шоир ижодига доир билим ва қизиқишларини ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 12 та, жумладан, 5 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 23 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 9 та мақола, улардан 6 таси республика ҳамда 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 145 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор

йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланиб, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияси ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“XIX аср охири XX аср боши инглиз шеърияти ва Уильям Батлер Йейтс ижодида замонавий шеърий тенденциялар ривожининг назарий тамойиллари”** деб номланган бўлиб, “XIX аср охири XX аср боши инглиз шеъриятида замонавий адабий йўналиш ва оқимларнинг шаклланиш тадрижи”, “Инглиз шеъриятида адабий йўналиш ва оқимлар кесимида анъанавийлик ва новаторлик тушунчалари мутаносиблиги”, “Уильям Батлер Йейтс ижодида замонавий адабий йўналиш ва оқимларнинг намоён бўлиши” номли уч фаслдан таркиб топган. Мазкур бобда XIX аср охири XX аср боши жаҳон ижтимоий-сиёсий, маданий тараққиётидаги янги тамойиллар контекстида инглиз адабиётида содир бўлган ўзгаришлар, унинг келажагини белгилаб берган “шеърий инқилоб” ҳодисасини очиб беришга бағишланган бўлиб, ушбу шиддатли ўзгаришлар жараёнида турли янги адабий йўналиш ва оқимларнинг пайдо бўлиши, уларнинг тараққиёт босқичлари, ўзига хослиги, етук намояндалари ҳамда замонавий инглиз шеърияти ривожига аҳамияти ўрганилди.

Инглиззабон шеърият тадқиқотчиси Дэвид Перкинс фикрига кўра айнан XIX аср охири, инглиз адабиётида Виктория даври анъаналари ҳукм сураётган пайтда замонавий инглиз шеърияти даври бошланади.¹⁰ Дарҳақиқат, XX аср боши инглиз шеъриятида янги тараққиёт босқичини бошлаб берди. Инглиз шеърияти дунёсида кейинги ярим аср давомида содир бўладиган асосий ҳодисаларни белгилаб берувчи муҳим омиллар айнан шу даврда юзага келди. Ўзгаришлар аср бўсағасида сезила бошланди. Бу вақтда инсоният буюк илмий-техник ихтиролар, сиёсий-ижтимоий инқилоблар даврига қадам қўя бошлаган эди. Бундай ўзгаришлар бадиий дунё зайлига ҳам ўз таъсирини кўрсатмай қўймас эди. Адабиёт соҳасида янги уйғониш даври биринчи навбатда шеърият майдонида бошланди.

Вирджиния Вульф ўзининг “Мистер Беннетт ва миссис Браун” номли машхур эссесисида замонавий инглиз адабиёти ҳақида сўз юритар экан, “эскиликдан” “янгиликка” ўтишнинг аниқ вақтини 1910 йилнинг охири деб кўрсатади.¹¹ Романнывиснинг фикрича айнан шу бўсағада инсоният табиати ўзгариб, бутун маданий ҳаётдаги ўзгаришлар бошланади. Умуман, Вульфнинг аниқ сана белгилаши ва ўзгаришларнинг тасодифий эмаслигини таъкидлаши бежизга эмас. Бунга изоҳ сифатида XX аср бошига келиб Лондон бутун Европа ва Американинг маданий пойтахти сифатида бадиий анъана ва янги урф тенденцияларини белгилайдиган, глобал бадиий жараён марказига айланиши ҳодисасини келтиришимиз мумкин. Бунинг натижасида инглиз адабиёти жаҳон адабий майдони жараёнларини бошқарувчи ҳамда

¹⁰ Perkins, David. History of Modern Poetry. - London, 1979. – 18 p.

¹¹ Woolf V. Mr. Bennett and Mrs. Brown. – The Hogarth Press, 2019. – 24 p.

барча ўзгариш ва ҳодисаларда муҳим вазифа бажарувчи бўгин сифатида намоён бўлади.

XIX аср охири XX аср боши Европа маданий ҳаётининг асосий қирралари сифатида янги давр воқелигини акс эттирувчи восита ва усуллар ушбу кескин ўзгаришлар натижасида юзага келган турли адабий оқимларнинг ўзаро курашида намоён бўлиши кузатилди. Шунга кўра тарихий атамалар билан боғлаб изоҳлайдиган бўлсак, Виктория асри якунига бориб, у билан бирга неча асрлик инглиз маданияти анъаналари ҳам ўтмишга айланиб бошлаган даврда янгиликлар ва кескин ўзгаришлар таъсири, айниқса, адабий йўналиш ва оқимларда намоён бўлишининг гувоҳи бўлди. Кейинги бир неча ўн йилликлар ичида (1880-1930) инглиз шеърияти ўз тарихида кескин бурилиш, инқилобий даврни бошдан ўтказди. Замоनावий инглиз шеърияти майдонида олдинги асрдан буён ҳукмронлик қилиб келаётган Виктория даври романтизми ўрнига постромантизм, неоромантизм, символизм, эстетизм, декаданс, авангард шеърияти, имажизм ва модернизм каби адабий йўналишларнинг пайдо бўлиш омиллари, уларнинг ўзига хосликлари ҳамда ёрқин намоёндалари ижоди ва фаолияти ўрганилиб, таҳлил қилинди.

Инглиз адабиёти шаклланиши ва ривожланиши тадрижини белгилайдиган даврлар ва уларда ҳукмронлик қилган адабий йўналиш ва оқимларда анъанавийлик ва новаторлик хусусиятлари ўртасидаги энг мураккаб муносабатларнинг содир бўлиши, ҳар бир янги оқим ўзидан олдингисини рад этиб, ундан ҳам аввалгисининг элементларидан фойдаланиши, қайсидир элементини ўзлаштириши, буларнинг барчаси бир бирига боғлиқ ҳодиса эканлигини кузатдик. XIX аср охири XX аср боши инглиз шеърияти ўзининг инқилобий хусусиятлари ва йўналишларининг хилма хиллиги билан ажралиб туради. Давр бошида имажизмнинг пайдо бўлиши, модернизмнинг кириб келиши, авангард адабиёти, сюрреализм, постмодернизм ва бошқа бир қатор йўналишлар фикримиз исботи бўлиши мумкин. Бу даврга келиб новаторлик ўз ривожининг апогеяси, яъни энг юқори чўққисига эришади. Анъанавийликка нисбатан, айниқса шеъриятда, бутунлай тарқ этилган хусусият, ўтмиш сарқити мисол муносабат билдирилди.¹² Лекин шундай даврда ҳам, асрлар оша шаклланиб келган бадиий қадриятлар ва мероснинг аҳамиятини англайдиган, қадрлайдиган ҳамда ўз ўрнида замонавий интилишлардан ҳам ортда қолмайдиган ижодкорлар бўлганлигини таъкидлашимиз жоиз.

Бу борада тадқиқотимиз маркази бўлмиш У.Б.Йейтс шеърияти ўзининг неча асрлик инглиз адабиёти анъаналари ва замонасининг инқилобий ўзгаришларини уйғунлаштира олганлиги билан диққатимизни тортади. Замоनावий инглиз шеърияти ривожини ва унда анъана ҳамда новаторлик уйғунлиги нуқтаи назаридан атоқли ирландиялик инглиз шоири У.Б.Йейтс ижоди алоҳида эътиборга лойиқлиги; шоир ижод қилган давр адабий оқимлари курашининг аксарият қисми унинг ижодида ўз аксини топганлиги,

¹² Pound E. Make it new. Essays. Faber and Faber limited, London. – 2015. – 14 p.

ушбу зиддиятлар асосида эса ижодкорнинг бош мақсади шеърини анъана ва новаторлик ўртасидаги мутаносибликни сақлаш, улар ўртасидаги уйғунликка эришиш эканлиги аниқланди.

Шоир ижодини яхлит ўрганиш жараёнида унинг илк ижодий фаолияти умрининг сўнгги йилларидаги фаолиятидан тубдан фарқ қилишини кўрамиз. У.Б.Йейтс ижоди босқичлари, уларда етакчилик қилган адабий йўналишларда анъанавийлик ва новаторлик диалектикасининг хусусиятлари ва уларнинг намоён бўлиш тамойиллари ўрганилди. Шоир асарларини таҳлил қилиш орқали муаллиф ижодида анъанавийлик ва новаторлик мутаносиблиги унинг адабий оқимлар алмашинуви зайлида ўзгариб туриши кузатилади.

У.Б.Йейтс шеърисида анъана ва новаторлик ўртасидаги мутаносибликни сақлаш тамойилларининг устунлик қилиши аниқланди. Йейтс шеърисида ғоявий-бадиий хусусиятларини (мавзу, ғоя, образлар тизими, услуб ва тил масалалари) аниқлаш орқали замонавий инглиз шеърисида кўп асрлик адабий ананаларнинг новаторона янгиланиш тамойиллари билан уйғунлашув жараёни таҳлил қилинди.

Диссертациянинг **“У.Б.Йейтс шеърисида шаклланиши ва ривожда инглиз лирик ананаларининг аҳамияти”** деб номланган иккинчи боби “У.Б.Йейтс шеърисида фольклор ва мифологик мотивлар”, “У.Б.Йейтс ижодида романтизм ва неоромантизм инъикоси”, “У.Б.Йейтс лирикасида символизм ананалари” номли уч фаслдан таркиб топган. Мазкур бобнинг тадқиқи инглиз шеърисида асрлар давомида шаклланиб келган лирик ананалар сифатида қараладиган хусусиятларга асосланган йўналишлар сирасидан фольклор ва мифология; романтизм ва унинг заминидан пайдо бўлган постромантизм ва неоромантизм ҳамда символизм каби адабий йўналишларнинг У.Б.Йейтс шеърисида намоён бўлиши, мотив ва образлар манбаи, ижодининг поэтик таркибини ташкил қилувчи мавзу ва сюжет асоси вазифасини бажариши таҳлилига бағишланган.

У.Б.Йейтс ижодида биринчилардан бўлиб ўз миллий маданий имкониятларига ишониб, қадимги кельт афсоналарига мурожаат қилиши ва уларни замонавий адабиётда қўллаб, фольклор ҳамда мифологик мотивларни ўз шеърисида муваффақиятли гавдалантириши кузатилади. Ўз миллати учун ижоди орқали хизмат қилишни мақсад қилган ёш шоирнинг фольклор ва қадимги ирланд мифологиясига бўлган қизиқиши уни миллий ҳаракат йўналишига олиб келди. Ирланд халқи миллий қадриятлари ва йўқолиб бораётган маданий меросини замон талабларига мослаб қайта тиклаш шоир ҳаётининг мазмунига айланди. Тобора сиёсий тус олиб бораётган Ирландия миллатчиларининг турли гуруҳлари ғояларини ўз асарларида акс эттирган кўпгина мазкур давр ижодкорларидан фарқли равишда Йейтс ушбу оқимни сиёсий ўзандан миллий-маданий йўналиш томон буриб, миллий тикланиш ҳаракатини бошлаб бергани намоён бўлди.

Фолклор йўналишида ижодкор асосан балладалар ва дostonлари билан машхур. Ўз даврининг энг машхур асарларидан саналган анъанавий ирланд романи сифатида танилган “Down by the Salley Gardens” балладаси бунга ёрқин мисол. У.Б.Йейтснинг “фольклор - тўпланиши, таржима қилиниши ва

чоп эттирилиши керак”,¹³ - деган сўзлари унинг ҳақиқий миллатпарвар, миллий адабиётни келгуси авлодларга асл ҳолда сақлаб, янада бойитиб етказиш йўлида жонкуярлиги исботи кўринишида намоён бўлади.

У.Б.Йейтс биринчилардан бўлиб ўз миллий маданий имкониятларига ишониб, қадимги кельт афсоналарига мурожаат қилади ва уларни замонавий адабиётда муносиб қўллашга муваффақ бўлди. Ўз даврининг айрим тадқиқчилари томонидан унчалик машҳур бўлмаган ирланд фольклори ва мифологияси ёш ижодкор учун кенг имкониятлар яратиш ўрнига, уни тор доирага қисиб қўйиши ҳамда ўзининг миллий ғоялари ва халқига бўлган мухаббати учун шоир дунёвий машҳурликка эриша олмаслиги эҳтимоллари айтиб ўтилган.¹⁴ Бундай қалтис ва таваккал йўлни танлаши билан Йейтснинг ватани олдидаги хизматлари Гомернинг Грецияни машҳур қилиш йўлида қилган хизматларига тенглаштирилади.

Мифология адибнинг бутун ижоди давомида унинг турли шеърый оқимларга доир шеърларида кузатилади. Лекин унинг илк ижодида кўринадиган мифология сўнги етуклик давридаги кўринишидан фарқ қилади. Бу ҳолни анъанавийлик ва новаторлик муносабатлари аспектида таҳлил қиладиган бўлсак, шоир ижодининг етуклик даври томон янада яратувчан, мукамал ва ўзига хос услуб эгаси сифатида шаклланиб боради. Дастлаб мифология шоир ижодининг шаклини ташкил қилган бўлса, кейинчалик у унинг мазмунига айланди.

Мифологияга нисбатан янгича талқин ва услуб шоирнинг “The Green Helmet and other Poems” ва “Responsibilities” тўпламларида ўз ифодасини топади. Ушбу йўналишларда ёзилган тўпламлар ва уларга киритилган шеърларида шоирнинг мифологик ва фольклорга доир мотивларида ўзини кучли ва шу билан бирга халқчил, содда поэтик тили орқали реал дунё ва унинг ташвишларини ифодалаши хусусиятлари муаллиф услуби эволюциясини кўрсатади. Айнан ушбу даврдан бошлаб шоирнинг анъанавий деб ҳисобланиб келинган мифологик дунёси муаллифлик услубидаги ўзгаришлар, эволюция сабаб янги босқичга кўтарилади.

Шунингдек, “Leda and the Swan” (“Леда ва оққуш”) шеърисида мифологик образларнинг семантик интерпретацияси ҳамда унда келтирилган мифологик қаҳрамон ва мотивларнинг интертекстуал таҳлиллари орқали шоир ижодида мифологик мотив ва сюжетларнинг анъанавий ва муаллиф томонидан янгича талқин қилиниши кўрсатилган.

*Red Rose, proud Rose, sad Rose of all my days!
Come near me, while I sing the ancient ways:
Cuchulain battling with the bitter tide;
The Druid, grey, wood-nurtured, quiet-eyed,
Who cast round Fergus dreams, and ruin untold;*¹⁵

(Қизил атиргул, мағрур атиргул, барча кунларимнинг ғамгин атиргули!

¹³ Thunten M.H. The Anglo & the Irish. English Literature in transition, 1880-1920. ELT Press Volume 40, Number 2. – 1997. – 32 p.

¹⁴ Hobsbaum P. Tradition and experiment in English poetry, London, Macmillan. – 2013. – 26 p.

¹⁵ Yeats W. B. The collected poems of WB Yeats. – Wordsworth Editions. – 2000. – 28 p.

Кел ёнимга яқинроқ; қадимий кўшиқни куйлай: // Кухулин аёвсиз тўлқинлар билан курашмоқда; // Оқсоч, табиатсевар, сокин кўзли Друиднинг // Фергус орзуларини ҳалокатга учратгани ҳақида;)

Ушбу парчада келтирилган қахрамонларнинг исмлари ўзида бой аллюзив маълумотни жамлаган бўлиб, қадимги ирланд мифологиясига таалуқли воқеа ва сюжетларга мурожаат қилади.

Come near; I would, before my time to go,

Sing of old Eire and the ancient ways:

*Red Rose, proud Rose, sad Rose of all my days.*¹⁶

(Кел ёнимга яқинроқ; кетишимдан олдин, // Қадимий Эрин ҳақида эски кўшиқни куйлай: // Қизил атиргул, мағрур атиргул, барча кунларимнинг ғамгин атиргули.)

Шеърнинг ушбу қисмида аллюзиянинг бошқа турдаги кўриниши кузатилади. Юқорида келтирилган мисолларга ўхшаб, бу ерда ҳам қахрамонлар исми орқали мифологик мотивларга боғланишни кўрамиз. Лекин, бошқа томондан “Эрин” умумлашма тимсол сифатида аллюзияга умумийлик хусусиятини беради. Ушбу қадимги ирланд мифологиясидаги маъбуда тимсолида нафақат муайян мифологик мотив ва сюжетга мурожаат, балки умумийлик хусусиятини ифодалаган бутун Ирланд халқи ва унинг буюк ўтмиши ассоциациясини кўрамиз.

Ижодининг дастлабки йилларида шоир асосан давр ва ҳодисаларни акс эттирган бўлса, кейинчалик, етуклик босқичидаги ижодида ушбу воқеа ва ҳодисаларга бўлган муносабатини билдиришга, уларни англаб, ўз тафаккурида қайта яратишга интилади. Мифологик элементлар тажрибасида ҳам худди шундай ҳолат кузатилади. Аввал шоир қадимги кельт афсона ва асотирларини қайта тиклашга, уларни ҳаётга қайтаришга ҳаракат қилса, кейинчалик мифологик элементлар асосида ўзини иккиламчи дунёсини яратади, улар ёрдамида реал замонавий воқелик ва инсонларни тасвирлайди.

XX аср бошидаги романтик давр У.Б.Йейтс учун аниқ йўналиш, ўзининг намоёндалари ва тарихий – маданий босқичларига эга, лекин ўз навбатида сўниб бораётган давр мисолида эди.¹⁷ Шунингдек, шоирнинг ўзи ҳам шу даврга тегишли ва шу даврдан чиқиб келаётган вакил сифатида номоён бўлди.

У.Б.Йейтс неоронтизмни унинг замондошлари бўлмиш Е.Паунд ва Т.С.Елиот каби ёш ижодкорларнинг антиромантик қарашлари билан қиёслаган тарзда ўрганилди. Муаллиф ижодининг илк даври романтизм хусусиятларига тўлақонли мос тушсада, кейинчалик бу элементлар замон динамикаси таъсирида шакл ва мазмун жиҳатидан турли ўзгаришларга учраб, неоромантик хусусият касб эта бошлаган. Шу билан бирга Ирландия – Йейтс учун илк шеърларида тасвирланган парилар, эртакнамо жонзотлар ва қахрамонлар яшайдиган ғаройиб ажойиботлар ўлкаси тимсоли сифатида кўринган бўлса, 1910 йилларга келиб эса, XIX аср Ирландияси шоир учун

¹⁶ Yeats W. B. The collected poems of WB Yeats. – Wordsworth Editions. – 2000. – 28 p.

¹⁷ Hough G. The last Romantics. Routledge reprinted. – 2022. – 48 p.

батамом ортида қолиб, шеъриятда “қўрқинчли гўзаллик” (“terrible beauty”) образини олиб кирган янги асрга ўрнини бўшатди.

Шоир неоромантизмни ўрганиш бир неча йўналишларда ва қатор шеърий мисоллар асосида олиб борилган бўлиб, уларнинг асосий ўзига хосликлари ва романтизмдан фарқлари кўрсатиб ўтилган. У.Б.Йейтс биринчилардан бўлиб шеъриятга интеллектуаллик хусусиятини олиб кирган шоир бўлиб, унинг бадиий тили образлари, қофия ва шеърияти тузилишида бу ўзига хосликлар яққол намоён бўлади. У.Б.Йейтс шундай хусусиятлари билан инглиз шеърияти тарихида унинг ёрқин ва бетакрор вакили сифатида ном қолдирди.

У.Б.Йейтснинг романтизм йўналишидаги дастлабки шеърий тўпламлари (“The Rose”, “The wind among the reeds”)да анъанавий инглиз романтизми намоёндаларидан П.Б.Шелли ва У.Блейк шеъриятининг таъсири кучлироқ. 1910 йиллардан кейинги давр шеъриятида эса, муаммолик ва замонавийлик аниқ кўрина бошлайди. Унинг шеърияти эски романтик тушунчаларга хос-ишқий ва хаёлий тилдан воз кечиб, бундай хусусиятларга даврнинг камчилиги сифатида қарай бошлайди. Бизнинг фикримизча, Йейтснинг айнан ана шундай романтизмни ислоҳ қилиш, аввалгисини рад этиш, муваффақиятсиз бўлиб туйилган эски хусусиятларини рад этиш каби фикрлари – унинг неоромантик ғоялари асосини ташкил этади.

XX асрнинг бошида рўй берган У.Б.Йейтснинг шеърий услубидаги ўзгаришлар шоирнинг замондошлари томонидан ҳам қайд этилган. Т.С.Елиот “Adam’s curse” шеъри ҳақида ёзганда, “бутун инсоният ўзини англайдиган аниқ одамнинг овози янгради” деб таъкидлайди. “Adam’s Curse” севги ва вақт мавзусига бағишланган оддий, лекин ўз навбатида автобиографик шеър. Одам Атонинг азобланиши муаллифнинг ҳаётдаги ҳолатига қиёсланади. У.Б.Йейтс бу шеърни ёзган даври мобайнида севгилиси Моуд Гонн қалбини забт этишга ҳаракат қилган. Аммо унинг бу ҳаракатлари муваффақитсиз яқунланиб, ушбу шеърнинг яралишига сабаб бўлди.

Дарҳақиқат, шеърнинг тили бошқача услубий соддалик, сўзлашув нутқиға хос: шеърнинг деярли барча луғат бойлиги кундалик нутқдан ўзлаштирилганга ўхшайди. Кўп сўзлар Йейтснинг шеърий луғатида биринчи марта учрайди. Масалан, “maybe” (эхтимол), “all kinds of weather” (ҳар қандай об-ҳаво), “the noisy set of bankers, schoolmasters, clergymen” (банкирлар, мактаб ўқитувчилари ва руҳонийларнинг шовқинли тўплами). Фонетик нуқтаи назардан ҳам шеър асосан бўғиз товушлари билан ифодаланган бўлиб (that beautiful, not talk), улар Йейтс илк шеъриятининг лирик нафосати ва оҳангдорлигига хос эмас.

Тасодикий сўзлашув нутқи шеърнинг ритми билан ҳам берилган. Беш туруқли ямб вазнини аниқ кузатгандан кўра тахмин қилиш эхтимоли кўпроқ. Шунингдек, қофия ҳам аниқ эмас (school / beautiful, fine thing / laboring, enough / love, poetry / maybe). Бир томондан шеърнинг ноодатий квази-соннет жанрида бўлиши Данте, Петрарка, Шекспир даври буюк лирикасини эслатади. Бошқа жиҳатдан эса, бу Йейтс ижодининг бундан олдинги давр

шеърятини худди шоирнинг Мод Гонга нисбатан бўлган туйғулари мисол ўткинчи бир туйғу сифатида эскирганлигини кўрсатади.

Инсон тасавури кучини доимий равишда тадқиқ қилиш У.Б.Йейтс ижоди мазмунини белгилайди. Ижодкор ўз образларида тасаввур ва реал воқеликни уйғунлаштиришга ҳаракат қилади. Ижодининг сўнгги босқичида шоир бутун умр интилган мақсади – билим ва зийракликка асосланган шеърят яратишга (“the poetry of insight and knowledge”) эришади.¹⁸ Бу йўлда унинг бутун ижодий маҳорати, шеъринг техникаси ва ҳаётий тажрибаси унга хизмат қилди. У.Б.Йейтс биринчилардан бўлиб шеърятга интеллектуаллик хусусиятини олиб кирган шоир бўлиб, унинг бадиий тили образлари, қофия ва шеърятини тузилишида бу ўзига хосликлар яққол намоён бўлади.

Шоир ижоди давомида айрим тимсоллардан қайта ва қайта фойдаланади. Лекин ҳар сафар ушбу тимсоллар янада кенгрок, чуқуррок ва теран маъно касб этади. Шунга кўра У.Б.Йейтс символизмининг асосий хусусияти у ўз образлари устида тинимсиз ишлаб уларга сайқал бериши билан мукамалликка интилиши кўринади. Йейтснинг “Rose” номли шеъринг тўплами шоирнинг энг кам ўрганилган шеърлари мажмуаси ҳисобланади. Ишқийкечинмаларга бағишланган “Sorrow of love” “The pity of love”, “The white birds”, қадимги ирланд мифологияси мотивлари асосида яратилган “Cuchulain's Fight with the Sea”, “Fergus and the Druid”, “Who Goes with Fergus?” ва ватанпарварлик руҳидаги “To Ireland in the Coming Times” каби шеърлар ушбу тўплагга кирувчи шеърлар сирасидандир.

